

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 29 май, чоршанба • №42 (11.430)

• Эркин нарҳда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 май кунни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Куролли кучлар бўйича қўмитасининг Ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Вэлдон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислам Каримов ўзининг шу йил март ойида АҚШга буюрган ташрифи чоғида ўтказилган учрашувлар икки томонлама муносабатлар

жадал ривожланаётганининг яна бир тасдиғи бўлганини, ўзаро мулоқотларнинг изчил давом этаётгани эса мамлакатларимизнинг ҳамкорликни ҳар томонла-

ма кенгайтиришга интилиши кучлигидан далолат эканини таъкидлади.

АҚШ Конгрессининг мазкур делегацияси раҳбари Ўзбекистон-Америка савдо палатасининг Вашингтонда бўлиб ўтган мажлисида қатнашиб, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича нутқ сўзлаган эди. Конгрессменларнинг бундай тadbирлардаги фаол иштироки АҚШ

қонун чиқарувчиларининг Ўзбекистонга алоҳида эътиборидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустақамлаш, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

## УЮШМА ТАШАББУСИ БИЛАН

Оҳангарон тумани тadbиркор аёллар уюшмаси курс ташкил этди. Унинг биринчи қалдирғочлари ўқувни тугатдилар.

15 нафар аёл унда тadbиркорлик тузилмаларини барпо этиш ва иш юритиш, кредит олиш, бухгалтерия ҳисобларини олиб бориш, бизнес-режалар тузиш ва бошқа шундай мавзулардаги маърузаларни тингладилар. Уларга курсни битирганлари ҳақида сертификатлар топширилди.

— Курсни олиб бориш учун етук иқтисодчи олимларни жалб этишга ҳаракат қилдик, — дейди туман тadbиркор аёллар уюшмаси раиси Гулчеҳра Пулатова. — Молия институти муаллимлари, Ўрта Осиё тараққиёт банки вакиллари машғулотлар ўтказишди. Курсимизда ўқиш учун 50 киши навбатда турибди. Янги гуруҳ учун курс дарсларини бошлашга ҳозирлик кўраёғمиз.

Муқаддас АЛИЕВА.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати Ватанимиз мустақиллигининг шонли 11 йиллиги арафасида ҳаммамизнинг азалии ва навқирон айёмимизни гўзал ва бетакрор кўринишларда ифодалаган, истиқлол даври кишилари тафаккурини янгилашдаги унинг бемисл аҳамиятини кўтаринки руҳда тadbир ва талқин этган қатор тахририят ва ижодкорларни «Наврўз – боқий байрам – 2002» танловининг ғолиби деб топди.

Тақдирланганлар орасида «Тошкент ҳақиқати» – «Ташкентская правда» газеталари бўлим мудирани Светлана Фролова ҳам бор. Биз ҳамкасбимизни танлов совриндори бўлгани билан табриклаймиз.

## Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги

Бугунги кунда республикаимизда турли миллат ва элат вакиллари қатори икки мингдан зиёд дунганлар ҳам истиқомат қилапти. Уларнинг ярмига яқини Ўртачирчиқ туманида яшамоқда.

Мустақиллик туфайли улар ҳам ўзларининг тарихий ватандошлари билан ўзаро алоқаларни тиклашди. Ташкил этилган дунган миллий маданий маркази бу хайрли ишга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Жумладан, у миллий урф-одатларни ўзида мужассам этган турли маданий тadbирларни амалга оширишда бошқош бўлаяпти. Айниқса, марказнинг Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан яқин ҳамкорлиги эътиборга молик. Чунинчи, элчихона кўмағида Корасув ширкат хўжалигининг дунган маҳалласида шоли тегирмони ишга туширилди. Бир соатда бир тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тегирмон учун 6,5 минг доллар маблағ сарфланди.

Кунни кеча ушбу тегирмоннинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимни очган дунган миллий маданий маркази раҳбари Мане Савуров мамлакатимиз халқларининг дўстлиги, тотувлиги ҳамда ҳамжихатлиги ҳақида тўхталиб



## ТУҲФА

ўтди. Тadbирда сўзга чиққан Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулудда ва мухтор элчиси Чжан Чжмин Ўзбекистон-Хитой ўртасида кенгайиб бораётган дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорчилик билдириб, келгусида ҳамкорликда амалга оширила-

диган бундай ишлар кўламини янада кенгайтириш режалаштирилаётганини айтди.

Миллий либосдаги ўқувчи қизлар ижросидаги куй-кўшиқлар йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади. Шундан сўнг, элчи ва меҳмонлар маҳалла аҳлининг турмуш тарзи билан яқиндан танишишди. Шу кунги тadbир ҳақиқий дўстлик байрамига айланиб кетди.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: тақдиротдан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

## АҚШга, халқаро семинарға

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги АҚШнинг Таълим ва тил ўрганиш жамияти – АКСЕЛС билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижаси ўларок, талай янги ўқув дастурлари яратилди.

Ана шулардан бири инглиз тилини аёло даражада ўқитишга қаратилган. У бир неча босқичдан иборат бўлиб, инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш, рағбатлантириш, илғор ўқитиш услубларини жорий этишдан иборат. Дастур доирасида шу йил 15 июнда юртимизнинг энг илғор ўқитувчилари АҚШнинг Калифорния университетида ташкил этиладиган касбий малака ошириш халқаро семинарида иштирок этади.

Шу муносабат билан Республика Таълим марказида инглиз тили ўқитувчиларининг Халқ таълими вазирлиги ҳамда АКСЕЛС мутахассислари билан учрашuvi бўлиб ўтди. Унда ўтказилажак халқаро семинарнинг мақсад ва вазифалари, иш режаси хусусида маълумот берилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Универсиада – 2002

## ЎЙИНГОҲЛАРДА КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорода республика олий ўқув юртларининг спортчи талабалари ўртасидаги универсиада ўйинлари кизгин ва муросасиз баҳслар остида ўтмоқда

Эътироф этиш керак, Бухоро шаҳри ҳеч қачон бундай кенг қамровли, ғоят кўтаринки руҳдаги улкан спорт байрамининг гувоҳи бўлмаган эди. «Универсиада-2002» мусобақаларини

ўтказиш учун махсус қурилган, 22 минг томошабинга мўлжалланган «Бухоро» спорт мажмуғи одам сизмай кетди. Тантанали очилиш маросими дасту-

(Давоми 7-бетда).

## ЧИНОЗЛИКЛАР ҲАМ МАРРАДАН ЎТИШДИ

ТУМАН пиллакорлари давлатга кумуш тола топшириш режасини ортиги билан бажардилар.

ИПАК курти боқувчиларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилгани бу йил мўл ва сифатли хом ашё етиштиришнинг асосий омилли бўлди. Ҳар қутисидан олинган ҳосил туман бўйича ўртача 53 килограмданга тўғри келди. Шу боис кечаги кунгача режадаги 95 тонна ўрнига 97 тонна юқори навли пилла топширишга эришилди.

Бу йилги мавсумда деярли барча хўжаликлар туман пиллакорларининг

умумий ютуғига баракали ҳисса қўшишди. Жумладан, ҳосилдорликни 55-56 килограммга етказган С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги қабул пунктига 7,7 тонна, Навоий номли хўжалик 7,5 тонна, Амир Темур номли хўжалик 7,2 тонна хом ашё топширди.

Айни кунларда туман хўжаликлариди пилла терими давом этмоқда. Мақсад – умумий хирмонни 100 тоннага етказиш.

Ўз мухбиримиз.



Кенг галлазорларда бошоқлар тўлишиб, сарғиш тус ола бошлади. Шу кунларда ширкат ва фермер хўжаликларида ўрим-йиғимга сўнгги тайёргарлик ишлари якунланаётир.

Ҳосил — 2002

## БОШОҚДАГИСИ ЭМАС, ХИРМОНДАГИСИ ҲИСОБ



— Ходимларимиз бу муҳим тайёргарлик босқичида фаол қатнашмоқдалар, — деди «Тошкент ҳақиқати» мухбирига вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги Убайдулла Абдуллаев. — Барча савий-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ҳақидаги қарори асосида ишлаб чиқилган «Ҳосил-2002» тадбирлар режаси оғишмай бажарилишига қаратилган.

**Маълумотномадан:** бу йил вилоятимиздаги 219та ширкат ва жамоа, 3722та фермер хўжалиги 127 минг гектар майдонда галла етиштирди. Режага кўра қисқа муддатда 452,9 минг тонна дон ўриб-йиғиб олиниши керак. Ниҳоят, биз бу йилги мўл дон ҳосили учун курашнинг масъулиятли палласига етиб келмоқдамиз. Хўжалиқлардаги 230дан ортиқ галла хирмони, қабул пунктлари, ўрим-транспорт техникасининг тайёргарлик ҳолати мониторинг йўли билан текшириб чиқилди. Бу жараёнда бир қатор камчиликлар аниқланди.

Чунончи, Оққўрғон туманидаги «МТП» акциядорлик жамияти (директори Т.Хусанов)да 11та «Кейс» ўримда қатнашиши мўлжалланган. Лекин ўтган йили олинган уч донга «Кейс» ҳамон давлат техник нazorати рўйхатидан ўтказилмаган. Текширув чоғида учта «Кейс»нинг орқа шинаси яроқсиз деб топилди. Сегизбоев номли ширкат хўжалигида 6та ўрим комбайнининг 4тасига мотор мойи кўйилмаган, ёритгич чироклари йўқ. Бўстонлик туманидаги Абай номили, «Кўшқўрғон», «Энбек» ширкат хўжалиқларидаги жами 9та комбайн бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланмаган. Табиийки, мониторинг жараёнидаги бундай камчиликлар дарҳол бартараф этилди. Умуман, бу ўрим мавсуми арафасида вилоят МТП бирлашмаси томонидан мулкчиликнинг барча туридаги хўжалиқларга 360,2 миллион сўмлик моддий-техника ресурслари етказиб берилди.

**Маълумотномадан:** галла ўримида 451та комбайн, шу жумладан, 158та «Кейс», 849та юк автомашинаси, 1010та тиркама транспорт воситасининг тайёргарлиги кўриб чиқилди.

— Ҳосилни тўкиб-сочмай ташиб олишнинг аҳамияти катта. Шунинг назарда тутиб, даладан хирмон ва қабул пунктларига олиб борувчи йўлларнинг ҳолати ўрганилди. Уларни сошлаш, тартибга солиш учун бажарилган ишлар кўламини кўрсатувчи айрим рақамларни келтирмакчиман. Галла етиштирувчи хўжалиқлар 2000 дан ортиқ йўл белгиларини ўрнатиб, яроқсизларини алмаштириш чораларини кўришди. Катнов йўлларида деярли бир минг квадрат метр ўйдим-чуқур жойлар, 250 километр масофада йўл четлари текисланди. 400дан ортиқ ҳолатда сув ўтказгич қувурларини ўзайтириш зарурлиги аниқланди. Юқоричирчиқ, Паркент, Уртачирчиқ, Оҳангарон, Оққўрғон, Қўйичирчиқ, Бекобод туманларидаги айрим ички йўлларни таъмирлаш зарурлиги ҳақида ҳокимликларга тақдимномалар киритилди.

— Дон — ризқ-рўзимиз, — деди пировардида У. Абдуллаев. — Ходимларимиз уни нобуд ва талон-торож қилмасдан ўриб-йиғиб олиш жараёнининг барча бўғинларида хушёр туриб, фаол иштирок этишади.

## АНЖУМАН ҚИЗГИН ЎТДИ

Шу йил 22-24 май кунлари Бўстонлик туманидаги «Семурғ» оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги Болалар ташкилотининг I-республика анжумани бўлиб ўтди.



Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидорли ўғил-қизлар қатнашди. — Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад республика Болалар ташкилотига ягона ном бериш эди, — дейди Тошкент вилоят болалар ташкилоти раиси Муяссар Жамолдинова. — Қизгин ўтган мунозара, баҳсларда кўпчилик «Камалак» номини муносиб топди. Анжуман қизиқарли ўтди. Болалар рассомчилик, поппчилик ҳамда санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам иқтидорларини намойиш этишди.

Шуниси қувончлики, беллашувда вилоятимиз жамоаси ҳайрат томонидан энг фаол деб топилди. Тошкент, Бухоро, Сирдарё вилоятлари вакилларига вимпеллар топширилди.

Ўз мухбиримиз.

## ТОТЛИ НОН ВА МУЗҚАЙМОҚ

Чиноз туманидаги «Олмазор-нон» корхонаси ишлаб чиқариш фаолияти давомида доим янгиликка, илғор технология ва иш усулларини жорий қилишга интилаётир.



Шу туфайли корхонада меҳнат кўрсаткичлари тўхтовсиз яхшиланмоқда. Бир пайтлар атиги 5-6 хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқарган корхонада бугунга келиб, уларнинг тури 25 тага етказилди. Шу билан бирга музқаймоқ ва салқин ичимликлар тайёрлаш кўлами ҳам ортиб бормоқда. Натижада шу йилнинг биринчи чорагида истеъмолчиларга 76 миллион 373 минг сўмлик маҳсу-

лот етказиб берилди ва бу борадаги режа ортиги билан уудаланди. Шу даврда 1 миллион 681 минг сўм соф фойда олинди.

Ўз мухбиримиз.

## ТИКИШАДИ, ТАЪМИРЛАШАДИ

Пскент пахта тозалаш очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини барпо этиш ва шу йўл билан қўшимча иш ўринлари яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



Корхонада новвойхона ишга туширилди. Унда ёпилаётган ис-

сиқ, бўрсилдоқ нон ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотиляпти.

Янги очилган тикувчилик цехида эса 12 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Улар маҳсус иш кийимлари тикишяпти, этак ҳамда йиртилган брезентларни буюртма асосида таъмирлашяпти.

Акбар АЛЛАМУРОВОД.

## ЧИНИҚИШ БОСҚИЧИ

Ички ишлар ходимларининг сиёсий-ижтимоий ўқув тизимида якуний машғулотлар ўтмоқда.

Ўқув йили давомида мафкура, унинг хилма-хиллиги, мустақиллик мафкураси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, жамиятда

ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, фуқаролик масъулияти ва бошқа долзарб мавзулар ўрганилди.

## Мафкура

Куни кеча Қибрай туман ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби имтиҳон топширди. Умуман, вилоят ички ишлар бошқармаси, унинг шаҳар ва туман бўлинмалари ходимлари бу йил 90 дан ортиқ ўқув гуруҳида ўз сиёсий-ижтимоий билимларини оширдилар.

Жўрабек МУРОДОВ.

## ДОНОХОН ГОЛИБЛАР САФИДА

Тошкентда республика «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан «Воизлар танлови»нинг якуний босқичи ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри босқичларида голиб бўлган 14 нафар воиз ўзаро беллашди.

Танловда Қибрай туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси Доно Ёқубова вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди. Унинг айниқса, «Миллий анъаналаримиз маънавий юксалишга хизмат қилсин» мавзусидаги мазмунли ва даъваткор чиқиши ҳайрат аэзолари ва томошабинлар томонидан юқори баҳоланди.

Доно Ёқубова танлов якунига кўра «Энг яхши воиз» деган фахрли номга сазовор бўлиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.



Касаллик туфайли анча синиққан Тўланбой ота Қайюмов шифохонадан бардам бўлиб қайтдилар. Сўнг дўхтирлар буюрган яна қўшимча дори-дармонларни ёрдам сифатида олиб келиб беришди. Куни кеча эса, яна Тўланбой отадан хабар олиб кетишди.

— Умуман, ўзбек халқи қалби дарё, мурувватли, хайр-эҳсонни унутмайдиган халқ эмасми, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент туманидаги Чувалачи қишлоғининг фуқаролар йиғини раиси Ғайратжон Нишоннов, — муҳтож оилалар, қийналиб қолганларга ёрдам қилиш удумга айланган. Айниқса, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бу савобли ишлар яна кўпайди. Навоий номили ширкат хўжалигида Ақром Абдуазимов деган фермеримиз бор. У киши яқинда

## Қарияларни қадрлаш йили

## ЁЛҒИЗЛАТИБ ҚЎЙИШМАЯПТИ

Илик узилди кунлар бошланган дамлар эди. Тўланбой ота қаттиқ шамолладиларми, грипп бўлдиларми, ҳеч ўзларига кела олмай қолдилар. Аввал Навоий номили ширкат хўжалиги раҳбарлари йўқлаб кетишди, кейин Чувалачи қишлоқ йиғинидан бир неча бор хабар олишди. Отахоннинг сўзини инобатга олиб, уни шифохонага ётқизишди.

қариялар яшайдиган 15 оилага гўшт тарқатди. Қишлоқ йиғини худудиди яшовчи қариялардан 40 кишини автобусда Шаҳидлар майдонига зиёратга олиб боришди, сўнг улар телеминорада ёзилган дастурхонга таклиф этилди. 40 нафардан кўпроқ кекса онахонлар Зангиота зиёратгоҳига олиб борилди.

— Бу каби мисолларни туманимиздаги барча хўжалиқлардан келтириш мумкин, — дейди «Нуроний» жамғармаси Тошкент тумани бўлимининг раиси Аскар Одилнов. — Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан туман бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларнинг тўла бажарилиши учун бутун им-

кониятимизни ишга солмоқдамиз.

Туман бўйича қарияларга бир миллион уч юз минг сўмлик дори-дармон бепул тарқатилди. Кекса ўқитувчилардан 5 нафарига шу йилнинг биринчи чорагида касабая уюшмаси томонидан санаторийларга бепул йўлланма берилди. Туман бўйича минг нафардан зиёд қария тиббий кўрикдан ўтказилди. Отахон ва онахонларга бевосита уйларида тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тумандаги барча ширкат хўжаликлари жаҳон уруши қатнашчилари оилалари сарф этган газ, электр учун тўловларни тўлашни ўз зиммаларига олганлар.

Ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватлаш асосида ёрдамга муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга мунтазам равишда ёрдам бериш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида Кўксарой қишлоқ йиғини бўйича 35 та кам таъминланган оилага 128.500 сўмлик моддий ёрдам, қатор кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-кечак берилди.

Туманда Қарияларни қадрлаш йили тадбирлари доирасида барча ҳомий ташкилотлар ва хусусий шахслар томонидан ёлғиз кексаларга, уларнинг ижтимоий, маиший ва моддий муаммоларини ҳал этишда ҳомийлик қилишни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш йўлида изланиш давом этмоқда. Бу савий-ҳаракатлар кўнгилларга эзгулик уруғини сочиб, меҳр-мурувват ишлари кўламини тобора кенгайтирмоқда.

Будир ПЎЛАТОВ.



Sof havo, tiniq suv, toza tuproq uchun!

# Tabiat va inson

Toshkent viloyati tabiatni muhofaza qilish qo'mitasi sahifasi

Биз табиий манбаларимиздан орқа ўнгимизга қарамасдан хўжасизларча фойдаланишимиз мумкин эмас, чунки уларнинг кўпчилигини тиклаб бўлмайди. Ахир, булар бизга ота-бобола-римиздан қолган нафақат мерос, балки шу билан бирга келгуси авлодлар номидан бизга берилган бебаҳо нишондир ҳам. Бу нишонни биз сақлашимиз ва кўпайтиришимиз керак, тоинки уни фарзандларимизга ва набираларимизга чин виждонан адо этилган бурч ҳис-туйғуси билан топширайлик.

Ислом КАРИМОВ.

**Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш, инсон билан табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, одамлар, хусусан, ёш авлод онгида экологик маданиятни шакллантириш, шу аснода улар қалбида она табиатни асраб-авайлаш тушунчаларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, ернинг унумдорлигини ошириш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва шу асосда экологик таълим-тарбия ишларини бугунги кун талаби даражасига кўтариш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва унинг шаҳар ва туманлардаги идоралари бу муҳим ишда фаол қатнашмоқдалар. Биргина ўтган йили 409та корхона ва ташкилотларда табиатни муҳофаза қилиш талабларига қандай риоя қилинаётганлиги ўрганиб чиқилди. Текширишлар асосан республика назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида олиб борилди. Натижада табиат муҳофазаси қонунларини кўпол равишда бузган 422 нафар мансабдор ва жавобгар шахслар аниқланди. Уларга ҳаммаси бўлиб 2,2 миллион сўм миқдорида жарима солинди. Бундан ташқари, 53 нафар шахсга 6,2 миллион сўмлик товон тақдим этилди. Текширишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 2288та банддан иборат кўрсатмалар берилди, шулардан 1691 таси ёки 73 фоизи бажарилди. Технологик жараёнларни бузган ва меъёрий ҳужжатлари бўлмаган 11 та корхонанинг иш фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Маълумки, вилоятда экологик вазиятни тартибга солиб турадиган муҳим омиллардан бири бу — экологик тўловлардир. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31декабрдаги 554-сонли қарори катта аҳамият касб этади. Ушбу қарорга асосан вилоятнинг 1687 та корхонаси билан 250,7 миллион

сўмлик тўловлар келишилган, шундан 20 фоизи, яъни 50 миллион сўм табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармасига ўтказилади, бугунга қадар 1454та корхонадан 44,5 миллион сўм келиб тушди.

Ўтган йилда вилоятнинг 21та корхонасида 31та табиат муҳофазасига оид тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 964,4 миллион сўм ўзлаштирилиши

## МУВОЗАНАТ МЕЪЁРИ БУЗИЛМАСИН

назарда тутилган эди. Бу соҳадаги топшириқ анча ортиғи билан удаланди. Экологияни яхшилашга ёрдам берувчи қатор иншоотлар ишга туширилди. Жумладан, Олмалик кон-металлургия комбинатида 2-кислород барбатаж печи қурилишига 461 миллион сўм, Оҳангарон «Ранглицемент» ҳиссадорлик жамиятида чанг ушловчи мослама ўрнатилишига 3,5 миллион сўм, Бекобод металлургия комбинати газ тозалагич мажмуаси барпо этилишига 223 миллион сўм, вилоят «Сувоқава» бошқармасининг туманлардаги бўлиналари томонидан сув таъминотини яхшилаш ишларига 159,2 миллион сўм сарфланди, қатор бошқа корхоналарда шун-

дай тадбирлар амалга оширилди. Жами экологик иншоотлар қурилишида 1092,0 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 178,34 миллион сўмдан зиёд ташкилий-техникавий тадбирлар бажарилди.

Бундай хайрли ишлар натижа-сида атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ўтган йилга нисбатан 4,2 минг тоннага ва очик сув ҳавзаларига ташланаётган ифлос оқавалар ҳажми 7,5 миллион куб метрга камайди.

Айни вақтда режалаштирилган қатор чора-тадбирлар амалга ошмай қолди. 7 та корхонада табиат муҳофазасига оид қурилишлар охирига етказилмади ва жами 100 миллион сўмлик иш бажарилмай қолди. Улар жумласига Чирчиқдаги «Электрим-ёсанот» бирлашмаси, «Трансформатор» ҳиссадорлик жамияти, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати, «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти ва бошқалар кирди.

Олмалик, Ангрэн, Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод шаҳарларида ҳали ҳам баъзи ингредиентлар бўйича меъёридан юқори зарарли моддаларни атмосфера ҳавосига чиқарилаётганлиги қайд этилмоқда. Бунга корхоналарда ўрнатилган чанг-газ-сув тозалагич ускуналари-нинг эскирганлиги ва уларнинг тўла қувват билан ишламаётганлиги сабаб бўлмоқда. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш идоралари мутахассислари бундан бўёнги фаолиятларида аниқланган ва ҳамон мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шу йўл билан ҳаво, сув ва атроф-муҳитнинг мусаффо бўлишини яхшилашга эътибор берадилар. Бу бизнинг муқаддас бурчимиз ва вазифамиздир. Албатта, бу ишда кенг жамоатчиликка суянган ҳолда иш олиб борамиз. Шундагина салмоқли натижаларга эришиш мумкин.

Маҳмуд МҲЙДИНОВ,  
Ташкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси масъул ходими.



### Тадбир

Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш юзасидан амалий ишлар олиб бориш қатори, омма, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш тадбирлари, суҳбатлар ва учрашувлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор билан қарамокда. Яқинда туманда «Сен қонунни биласанми?» мавзусида мактаб ўқувчиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

### «СЕН ҚОНУННИ БИЛАСАНМИ?»

Унда табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар мажмуаси тўғрисида савол-жавоблар бўлди. Навбатдаги экологик кўрик-танлов ҳам туман мактаблари орасида ўтказилди. «Табиатни асрайлик ва севайлик» шиори остида уюштирилган бу тадбирда «Равот» ширкат хўжалигидаги мактаб ўқувчилари голиб чиқди.

Бундай кўрик-танловларда ўқувчилар табиатни қанчалик севишларини ва уни асраш ҳар биримизнинг ишимиз ва бурчимиз эканлигини саҳна кўринишларида ҳам талқин қилиб беришди.

Умуман кўмита но-зирлари жойларга чиқиб, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари билан учрашиб, давра суҳбатларини тез-тез ташкил этмоқдалар.

И. АЗИМОВ,  
Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг давлат ноziри.

## ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Ангрэн шаҳрида, айниқса, кон саноати тармоғи жуда кенг ривожланган. Шу сабабли ер ости ва усти бойликларидан фойдаланиш жараёнида унинг ресурслари бузилмоқда. Биргина очик усулда ишлайдиган кўмир кони томонидан бузилган ер майдонлари ҳозирга келиб 2250 гектарни ташкил этди.

Курама ва Чотқол тоғлари минтақасида фаолият юритаётган Ангрэн олтин қазихона ва унда пудрат асосида иш юритувчи «Зарбулок» ва «Қизилқум» артеллари, Шарқий курама экспедициялари томонидан олиб борилаётган қазихона ишлари натижасида яна бир қанча ер майдонлари бузилган.

Кейинги йилларда кўмитамиз ходимларининг саъй-ҳаракатлари ва табиатни муҳофаза қилишдаги қатъийлиги натижасида бу ерларни қайта тиклаш ишларида бироз силжишга эришилди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; Хавфсизлик-

ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида, «Ер Оллоҳ талонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, қийинтиради. Айни вақтда ер улкан бойлиқина бўлиб қолмай, мамлакатнинг келажagini белгилаб берадиган омил ҳамдир» деб ёзилишининг ўзи, ерга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Ангрэн олтин қазихона томонидан эса 3 гектар ер майдонидан рекултивация тўлиқ амалга оширилди. Шаҳардаги энг йирик очик кўмир кони

маъмурияти шу мақсадга қаратилган ишларни бошлади. Бир йўла 10 гектар ер майдонини тозалашга киришилди. Бунинг учун зарур маблағ, ишчи-кучи ва техника воситалари ажратилди. қисқа муддат ичида бу ишларнинг биринчи босқичи амалга оширилди. Унинг кейинги босқичлари ҳам рўёбга чиқиши шубҳасиз. «Ер ости газ» корхонасига қарашли 2,3 гектар майдондаги конденсат кўли бартараф этилди. Ўтган йили республика ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари томонидан кўрилган кескин чоралар натижасида кўлга тушадиган сувлар ўзани бошқа томонга бурилиб, уни

қуриштишга имкон яратилди. Корхона раҳбарлари эса, мазкур майдонни 2002 йил август ойигача қайта тиклашни назарда тутишмоқда. Албатта, буларнинг ҳаммаси фойдасиз банд бўлиб ётган ер майдонларини келажакда тиклаш ва уларни боғ-роғларга айлантириш, сабзавот етиштиришга мослаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли ишларнинг дебوحаси бўлса ҳам, аҳамияти залворлидир.

А. МИРАЛОВ,  
вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг давлат ноziри.

### Ер — бебаҳо бойлик

Тезкор гуруҳ  
ҳаракатда

## ДАХЛСИЗ МУЛК

Республикамизнинг асосий қонуни ҳисобланган Конституциямизнинг 12-боб, 15-моддасида «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси давлат мулки бўлиб ҳисобланади» дейилган.

Демак, улар дахлсиздир. Бу бойликлар талон-тарож қилинмаслиги, асраб-авайланиши лозим. Табиатни муҳофаза қилиш махсус нозирлиги бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Нозирлик хузурида шу иш билан шуғулланишга ихтисослашган махсус тезкор гуруҳ тузилган. Унинг аъзолари давлат бойлигига кўз олайтирган, ноқонуний равишда ов қилиш, балиқ овлаш, доривор ўсимликларни йиғиш, дарахтларни руҳсатсиз кесиш билан машғул ҳуқуқбузарларга қарши мурокасиз кураш олиб боришмоқда. Улар жойларга тез-тез чиқиб турдилар. Чунончи, Уртачирчиқ тумани Тошкент денгизи ҳудудида ўтказилган тезкор ҳаракатлар натижасида тўр билан балиқ ушлашган еттига ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Ўғри овчилардан 1500 метр балиқ овлаш тўри олиб кўйилди. Оққўрғон тумани Сирдарё ирмоқларида ўтказилган шундай ҳаракатлар натижасида эса электрқармоқ ёрдамида балиқ овлаш ҳолатлари устидан чиқилди. Ҳуқуқбузарлардан бу анжом ҳам тортиб олинди.

Чиноз тумани Яллама фуқаролар йиғини Бўз сув қирғоқларида ўтказилган тадбир натижасида мавсум тугашига қарамасдан ов қилишни давом эттираётган шахслар кўлга олиниб, уларнинг ов қилиш қуроли мусодара қилинди. Бўка туманида эса, ноқонуний равишда ширинмия ўсимлигини йиғиш билан шуғулланаётганлар фош этилди. Табиий бойликларга кўз олайтираётган бундай кимсалар қонунларда кўрсатилган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиб, жарима ва тоvon пуллари ундириб олинди. Бу тезкор ҳаракатларни амалга оширишда махсус нозирлик ходимлари С. Идрисхўжаев, Н. Шодиев, Қ. Ражабов ва жамоатчи нозирлар Р. Туробов, С. Жунов, Н. Дадаевлар фаол қатнашмоқда.

2002 йилнинг 6 мартдан вилоятимизнинг очик сув ҳавзаларидаги балиқларнинг урчиш мавсуми бошланди. Бу даврни бетафат ўтказиш нозирларимизнинг энг масъулиятли вазифаси ҳисобланади. Унда жамоатчилик ҳам фаол иштирок этса айти мудао бўлар эди. Чунки, бу даврда балиқларнинг урчиши учун яратилган қулай шароит келажақда уларнинг кўп бўлиши ва қирлиб кетмаслигини таъминлайди.

Баҳор фаслининг келиши билан вилоятимизнинг тоғли ҳудудларида «Қизил китоб»га кирган лола, матор, анзур пиёзи ва бошқа ҳар хил доривор гиёҳларни униб чиқиши бошланади. Бу даврда шундай шифобахш ўсимликларни кўп миқдорда ўғринча йиғиб олиш ҳоллари авж олади. Оқибатда қимматли ўсимликлар камайиб кетмоқда. Бунга умуман йўл қўйиб бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Вилоятимиз ҳудудидан йиғиб олинган шифобахш ва ноёб ўсимликлар, балиқлар ҳамда бошқа табиий бойликлар вилоятдаги ва республикамиз пойтахтидаги бозорларда сотилади. Бозорлар раҳбарлари уларнинг савдоси устидан қатъий назорат ўрнатишлари лозим. Бунда Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига амал қилишлари зарур.

«Табиатни севмоқ – Ватанимиз севмоқдир» дейди халқимиз. Бунга табиатни ҳимоя қилмоқ, ватани ҳимоя қилмоқ деб қўшиб қўймоқчи эдим.

**С. ХҲЖАЕВ,**  
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш нозирлиги давлат нозир.


«Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти бир вақтлар атроф-муҳитни ифлослантирувчи йирик манбалардан ҳисобланарди. Республикамиз мустақилликка эришиб, табиат муҳофазасини таъминлашга талаб кучайганидан кейин корхона раҳбарлиги бу масалага эътиборни кучайтирди. Шундан сўнг атроф-муҳитнинг тозаланиши сақлаш, жамият ҳудудида ва унга туташ майдонларда экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўплаб амалга оширила бошланди.

Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, чиқиндилар чиқишини камайтириш, ҳамма жойда саранжом-саришталикка эришишга алоҳида аҳамият берила бошланди. Ҳар йили шундай ишлар режалари тузиладиган бўлди. Уларни амалга ошириш учун корхона бўлинмалари раҳбарларининг масъулияти кучайтирилди. Унинг самараси тез орада сезила бошланди.


Жамиятни қайта қуриш

йилларида ҳавога зарарли моддаларни тарқатиш 50 фоиз қисқарди.

Оқава сувларни тозалаш борасидаги натижалар ҳам чакки бўлмади. Тиндиргичларни қайта қуриш, об-ҳаётни турли аралашмалардан ажратиш мақсадида қилинган бошқа ишлар туфайли ишлаб чиқаришда фойдаланилган сувни қайта ишлатиш, уни тежашга олиб келди. Ҳозирги вақтда оқава сувлар шартли тоза даражасига келтирилди.



соҳасида катта ҳажмдаги ишларнинг амалга оширилиши табиатнинг мусоффолигини яхшилашда алоҳида ўрин тутди. Кейинги уч-тўрт йил давомида мавжуд асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилди, замонавий технология ишлаб чиқаришга жорий қилинди, йўл-йўлакай газчангни тутиб қолувчи, ишлатилаётган сувнинг ифлосланиш даражасини пасайтиришга ёрдам берадиган мосламалар ўрнатилиб, вентиляция тизими янгиланди. Шундай тадбирлар туфайли мустақиллик



Ушбу суратлар корхонанинг ёғ қадоқлаш ва совун цехидан олинган.

Республика кўрик-танлови голиби

## ОҚАВАНИНГ СУВИ ТОЗА

Бундай кўрсаткичга эришган меҳнат жамоалари вилоятимизда жуда кам.

Ишлаб чиқаришдаги турли жараёнлар давомида кўплаб қўшимча хом ашёлар ишлатилади. Айниқса, тонналаб экстробензин керак бўлади. Ундан фойдаланиш натижасида атроф муҳитга захарли чиқиндилар талайгина чиқади. Корхона мутахассис муҳандислари унинг олдини олиш ва қисман бўлса ҳам камайтириш мақсадида изланиш олиб бордилар. Натижада экстробензинни тежаш технологияси жорий қилинди. Бунинг оқибатида кейинги икки йил ичида 305 тонна шундай ёнилғи иқтисод қилинди. Ҳавога захарли газни чиқариш эса, уч юз тоннадан ортқ қисқарди.

Корхонада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари муттасил олиб борилмоқда. Янги дарахтзорлар ва гулзорлар барпо этиляпти. Унинг атроф ҳудудлари текисланди ва турли ташландиклар тозаланиб, бу ерда минг тугга яқин мевали ва

манзарали дарахт ва тўрт мингдан зиёд гул кўчатлари экилди.

Экологияга нисбатан ижобий муносабат ва меҳнат шароитларини муттасил яхшилаб бориш жамият бўлинмаларида атроф муҳит мусоффолигини таъминлашда янги ютуқларга эришишга, энг муҳими ишчи-хизматчилар соғлигини мустаҳкамлашга олиб келмоқда. Жамоа аъзолари орасида турли юкумли ичак, юрак ва бошқа касалликларнинг сезиларли камайиши ҳам шундан далолат бериб турипти. Фақатгина сўнгги уч йил давомида бундай хасталиклар билан оғриш 35 фоиз қисқарди.

Ҳиссадорлик жамиятида табиатни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирларни санашни яна давом эттириш мумкин. Шундай ишларнинг яна бири мой қадоқлаш цехининг ишга туширилишидир. Унда барча жараёнлар тўла-автоматлаштирилган бўлиб, маҳсулот умуман нобуд бўлмайди, иш ўринлари доим тоза туради. Корхона бу муҳим соҳада эришган ютуқлари салмоқли бўлгани учун ҳам у халқаро «Экосан» жамғармасининг ўтган йили «Экология ва саломатлик кунлари» шиори остида ўтказган кўрик-танловининг саноят корхоналари йўналиши бўйича голиби бўлди. Бундан руҳланган жамоа жорий йилда ҳам экологик муҳитни яхшилашга қаратилган янгидан-янги чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Мирсобир  
МИРҲАМИДОВ.

Экологик кундалик

## ТАРТИБНИ БУЗИШ ОҚИБАТИ

Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ва қарорларни, тартиб-интизомни бузиш ҳоллари эътиборсиз қолмайди. Бундай кўнгилсиз ҳолатлар юзга келишининг айбдорлари, албатта, тегишлича жазоландилар.

Бекобод туманидаги «Далварзинтаъмирлаш» корхонасида экологик ҳолатни текшириш юзасида ўтказилган тадбирларда бир неча марта тартиб бузилаётганлиги устидан чиқилди. Бу ерда ерни ёнилғи ва мойлаш ашёлари билан ифлослантириш, бир неча бор огоҳлантиришга қарамай, барҳам топмади. Боз устига бунинг учун метёрий ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилмагани маълум бўлиб қолди. Айти вақтда сувдан фойдаланиш учун махсус руҳсатнома ҳам олинмаган экан. Бундай бефарқликнинг асосий айбдори корхона бош муҳандиси М.Қодиров бўлиб чиқди. Ушбу соҳадаги ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйгани учун у 10 минг 250 сўм

миқдоридидаги жарима билан жазоланди.

Далварзин пахта тозалаш заводида ҳам табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари кўпол равишда бузилиб, ҳавога зарарли моддалар метёрдидан ортқча чиқарилишига йўл қўйилган. Бундай камчилик ҳам тегишлича жазоланди. Корхона директорига 10 минг 250 сўм миқдоридида жарима солинди ва у бу пулни ўз ҳамёнидан тўлашга мажбур бўлди.

Бўка туманидаги «Ўзбекистон» фермер хўжалиги раси Т.Отабоев янги ишлаб чиқариш иншоотлари, албатта, экологик экспертизадан ўтказилиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмани писанд қилмасдан, бу ишда ўзбошимчаликдан қайтмаган. Бу унга қимматга тушди, кўзи

очилдию, лекин кеч бўлди. Унинг давлат фойдасига 9 минг 800 сўм тўлашига тўғри келди. Шу тумандаги сув тармоқлари ишлаб чиқариш корхонасида об-ҳаёт ишлатиш учун руҳсатнома олинмаганлиги аниқланди. Бунда қонунни била туриб, уни хашпўшлаган раҳбар С.Исаевнинг қилмиши жазосиз қолмади. У ҳам жарима тўлади.

Ер ости сувларидан ҳам тежаб-тергаб фойдаланиш лозим. Амалдаги тартибга мувофиқ унинг ҳар бир куб метри ҳисобга олиб борилиши керак. Қуйи-чирик туманидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш заводида эса, бунга риоя қилинмаган. Ер остидан чиқётган об-ҳаёт ишлатилган, лекин у ҳисобга олиб борилмаган. Шундай бефарқлик айбдори бўлган корхона бош механиги А. Жуманов 6860 сўмлик жарима билан огоҳлантирилди. Чиноз тумани фуқароси С.Сартаев ҳам сувдан

фойдаланиш қоидаларини кўпол равишда бузганлиги 7350 сўм жаримага лойиқ деб топилди.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани фуқароси, ҳарбий хизматчи С.Сайқулов Оққўрғон тумани кенгликларида ов қилиб юрганида экологларга дуч келиб қолди. Текшириш вақтида у қанчалик уринмасин, қўлидаги қуролининг ҳеч қандай ҳужжати йўқ эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ундан 10 минг 290 сўмлик жарима ундириб олинди.

Вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари нозирлари томонидан атроф муҳит мусоффолиги, турли табиий бойликларни ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган фаолият самарасини кўрсатувчи айрим мисолларнигина кўрсатдик. Уларни яна кўп келтириш мумкин. Бу мисоллар экологларимизнинг иши жамиятимиз, халқимиз учун ниҳоятда зарур эканлигидан далолат беради.

А. АЛЛАМУРОДОВ.

**«Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти қимматли бинокорлик ашёлари тайёрлашга ихтисослашган. У ўз маҳсулотлари бўлган шифер, асбоцемент қувурларини республикамизнинг барча вилоятларидаги буюртмачиларга, шунингдек истеъмол бозорига етказиб беради. Бу ерда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш, шу йўл билан атроф-муҳит мусаффолиги, меҳнат шароитларини яхшилашга ҳам эътибор берилмоқда. Корхона бош муҳандиси Ураимқул Ирисқулов жамоанинг шу соҳадаги фаолияти ҳақида муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

– Корхонамизда давр талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришда техника тараққиётини ривожлантириш, технологик жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Унинг йўналишлари турлича. Энг муҳимларидан бири ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ҳосил бўлишини камайтириш, шу йўл билан маҳсулот тайёрлаш учун хом-ашё сарфини, уни ишлатишни ва табиатга етказилаётган зарарни қисқартиришга қаратилган. Бу ишчи-хизматчилар саломатлигини яхшилаш учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам йили цехлар бўйича шу йўналишда қатор чора-тадбирлар белгиланади. Уларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилади. Бу муҳим ишда масъулиятни унутиб қўйган, сансалорлик, боқибегамликка йўл қўйган цехлар раҳбарларига нисбатан тегишли жазо чоралари ҳам кўрилади.

Корхонамизда чиқиндилардан иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Асосан, асбоцемент қувурларига силликланган дастгоҳларида ишлов бериш, шунингдек, шиферлар ва қувурларнинг синиши оқибатида пайдо бўлувчи бундай чиқиндиларни қайта ишлаш

учун махсус ўрнатилган қурилмадан фойдаланилмоқда. Бу мослама ёрдамида шлакоблоklarни тайёрлаш ўзлаштирилди. Қурилиш ашёси сифатида унинг бозори чаққон бўлмоқда.

Айни вақтда бу қурилмани тар

қаратилган тадбирларни мунтазам амалга ошириб бораёмиз. Бунинг учун шифер ва қувур цехларига чанг ушловчи мосламалар ўрнатилган.

Жамиятимизда экология цехи ташкил этилган. Унинг жамоаси асосан корхона худудининг эстетик ва санитария ҳолатини яхшилаш, цехлар ва бўлимларда тозаликни таъминлаш, шунингдек дарахтзорлар ва гулзорлар барпо этиш, бунинг учун кўчатлар экиш ҳамда уларни парвариш қилиш ва бошқа шу каби юмушлар билан шуғулланади. Бу бўлинма ишчиларининг саъй-ҳаракатлари туфайли корхона худуди кўкаламзор боғни эслатади.

Жорий йилнинг баҳорида яна минг тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари экилди. Этиштирилган мевалар ишчиларга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, савдо шаҳобчаларига берилди, жамоамиз аъзоларига тарқатилди.

Худуд санитария ҳолати кўнгилдагидек бўлиши учун участкаларга бўлиниб, ҳамма цехларга бириктирилган. Тозалик бўйича намунали участкалар

ва цехларни мукофот билан тақдирлаш низоми бор. Яқинда экологик тозалик бўйича 2001 йил натижалари яқунланди. Унда қувур цехи жамоаси ғолиб деб топилди. Ўтган йили асбоцемент буюмлари ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий қилиниши айни муддао бўлди. Бу турли хил захарли моддалар чиқилишининг камайтиришга, экологининг яхшиланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

2002 йил учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар тузиб чиқилди ва улар бирин-кетин амалга оширилмоқда. Улар ҳам табиатни муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчилар саломатлиги мустақамланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

## ҲАВО МУСАФФОЛИГИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

комиллаштириш давом этмоқда. Ундан ҳавога тарқаладиган чангни камайтириш учун аспирация тизимини ўрнатиш ишлари бошланган. Бундан ташқари, нам иккиламчи хом ашё — асбозуритни зичлаш бўйича қурилма ишга туширилди. Бу чиқинди асосида ғишт ва прессланган блоklar тайёрланмоқда. Асбозурит таркиби асбест толаси ва цементдан иборатдир. Ундан қимматли асбестни ажратиб олиш ва уни шифер ва қувурлар тайёрлаш жараёнига қўшиш учун янги илмий-техникавий тажриба ишлаб чиқилипти. Бу иш ижобий ҳал қилинса, асбест тежалиб, харжлар камайд.

Ишлаб чиқариш жараёнида давомиди ҳавога анчагина захарли моддалар чиқади. Шунинг учун цехлар, ишчи ўринларининг санитария ҳолатини яхшилашга

## БОҒЛАР ЯРАТИБ...

**Бу хўжалик жамоасига бирлашган инсонлар ҳақли равишда табиат ихлосмандлари ҳисобланади. Борлиққа бўлган меҳр-муҳаббат уларни шундай касб эгалари сафига олиб келган.**

Бу кишилар оддий гиёҳни ҳам, осмонўпар дарахтларни ҳам бирдек асраб-авайлашга ҳаракат қиладилар. Уларни экиш, ўстириш, парвариш қилишда ўз қалб кўрларини сарфлаб ишлайдилар. Шундай меҳнатлари билан янги-янги ўрмонларни яратмоқдалар, она-Ватанимизни кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳа, Бекобод ўрмон хўжалиги жамоаси ана шундай хайрли ва савобли ишлар билан шуғулланмоқда.

Хўжалик янги боғ-роғларни барпо этиш билан ўзининг худудини кенгайтириб бораёпти. Бу ерда ҳар йили кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари этиштирилмоқда, уларнинг бир қисми ҳисобига янги дарахтзорлар яратилаёпти, қолгани эса, республикамиздаги буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Ўтган йил ҳам бундан мустасно бўлмади. Ўрмонзорлар барпо этиш учун ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди. Ихотазорлар яратиш ва уларни парвариш қилиш юзасидан ишлар ҳам олиб борилди. Янги кўчатлар этиштириш учун 1,7 миллион сўм сарфланди.

Шу маблағлар ҳисобига 25 гектар ерга ҳар хил манзарали дарахт кўчатлари экилди. Буюртмачиларга сотиш учун 400 минг туп турли хил дарахт ва гул кўчатлари этиштирилди. Улар баҳорги кўкаламзорлаштириш мавсуми бошланиши билан асосан республикамиз пойтахти ва қатор вилоятларга етказиб берилди.

**Эркин РАҲМАТОВ,**  
**Бекобод минтақавий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси нозири.**

## САРИШТА УЙЛАР

**Тошкент тумани «Сабзи-Обод» маҳалласида республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси, халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотининг Ўзбекистондаги «ISAR» экологик маркази кўмағида «Инсон, табиат ва гўзаллик» мавзусида «Энг кўкаламзорлаштирилган ва тоза уй» кўрик танловининг якуний босқичи ўтказилди.**

Унда ушбу маҳалланинг У.Юсупов кўчасидаги 37-Аблаев кўчасидаги 2-С.Хикматов кўчасидаги 42-уйлар ва шу худуддаги 25-сонли ўрта мактаб кўриктанлов ғолиблари деб топилди.

Юқорида қайд қилинган ҳонадон уйлари анча илгари қурилган бўлсада, саранжом-саришта, тозалик жиҳатдан ва эстетик томондан ён-веридидаги уйлاردан ажралиб туради. 25-сонли мактаб ҳовлиси жаннатдек обод, кўкаламзорлаштирилган, мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар экилган, ўқувчиларда эса таби-

атни муҳофаза қилиш ва уни севиш туйғусини уйғотишга катта эътибор берилмоқда.

Ғолибларга республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуасининг дипломлари, Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг фахрий ёрликлари ва мукофотлар топширилди.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишда «ISAR» Халқаро экологик жамғармасининг вилоятда олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқдир.

**М. МАҲМУДОВ.**

## ХАЛҚАРО

### ЖАМҒАРМА СОВРИНДОРИ

**Вилоятимизнинг гўзал гўшаларидан бири бўлган Паркент тумани йилнинг тўрт фаслида ҳам мафтункор, жозибали бўлади. Унинг табиати эса ранг-баранглиги билан ажралиб туради.**

Минтақанинг бундай бўлишида аҳолининг ҳам хизматлари катта. Бу ерда доим ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Айниқса, янги боғ-роғлар, узумзорлар, ғаллазорлар барпо этилишини айтмайсизми? Осмонўпар тоғлар бағрларида шундай яратувчилик ишлари кенг олиб борилади.

Бу ишлар минтақада экологик аҳволга путур етказмай амалга оширилади. Шунинг учун унинг ҳавоси доим тоза, сувлари мусаффо. Барча ишлар худудда экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Биргина ўтган йили бу ерда катта майдонларда янги мевазор боғлар, теракзорлар, узумзорлар барпо этилди. Дипломатлар боғининг ташкил этилиши яхши воқеа бўлди. Бўш ётган бир неча гектарлик майдонда яратилган бу боғда чет эл мамлакатларининг республикамиздаги элчихоналари вакиллари ўз қўллари билан мевали дарахт кўчатлари экидилар. Бу кўчатлар яхши, парвариш қилинаётганлиги учун мавж уриб ётибди. Туманининг деярли барча худудларида катта-кичик боғлар ҳар доим яратилмоқда.

Паркентликларнинг шу йўл билан

### Паркентдан хабарлар

### ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

**Табиатта турли шаклларда зарар етказилишига йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларидан бири аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида экологик билимларни тарғиб қилиш, уларда табиатга қизиқишни кучайтириш, унга меҳр уйғотишдир.**

Шу мақсадда яқинда бир муҳим ишга қўл урдик. Экология клуби ташкил этилди. Тошкент шаҳрида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган «Армон» экологик адвокатлар маркази ҳуқуқшунос-

лари туманимизга келиб, ўқувчилар ўртасида экологик ҳуқуқни тарғиб қилиш қандай бораётганлиги билан танишдилар. Уларнинг маслаҳати билан ҳамда ёшларда табиатга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, «Экоҳуқуқшунос» клуби тузилди. Унинг биринчи машғулотида «Армон» марказининг раҳбари Дилбар Зайнуллоева, шу билан бирга ёш фуқароларимизда табиатга авайлаб муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш соҳасидаги ишларимиз билан танишиш мақсадида АҚШ ва Ҳиндистондан келган экологик ҳуқуқшунослар иштирок этдилар. Унда туманимиздаги барча мактаблар ўқувчилари, ўқитувчилари қатнашишди. Икки ўртадаги суҳбат очиқ тарзда ўтди. Мунозалардан сўнг экоҳуқуқни тарғиб этишга қаратилган жонли ўйинлар уюштирилди.

Клуб ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Агар экологик билимларни эгаллаш аввало уйдан, қолаверса, боғчадан, бошланғич синфлар қатори шундай клублардан бошланса, самараси яхши бўлади, албатта. Шунинг учун ҳам уларни кўпроқ тузиш лозим.

**Нафиса МИРЖАМОЛОВА,**  
**Паркент тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси нозири.**



# БУРГУТ ПАРВОЗИ

Сўраган эдингиз

Хурматли тахририят!

Биз Бўстонликда истиқомат қиламиз. Бир вақтлар бу жаннатмисол воҳанинг мовий осмонда салобат билан парвоз қилиб юрган бургутларни кўп учратардик. Ҳозир эса деярли кўзга ташланмайди. Бунинг сабаби нимада? Шу ҳақда мақола берсангиз, жуда миннатдор бўлардик.  
**Парда Мўминов, Ашраф Боймуродов.**



Бургут йирткич қушлар туркумининг қирғийлар оиласига киради. У энг катта, чаққон ва кучли қуш бўлиб, танасининг узунлиги 95 сантиметргача, қаноти ёйганда 2 метргача келади. Марказий Осиё кенгликлариди, унинг тоғ ва чўлларида, одамдан узоқ жойларда, қоялар орасида, саксулзорларда ҳам учрайди. Одам чиқа олмайдиган тоғларга хас-чўп ва латта-путталардан қурилган уясининг баландлиги баъзан икки метр ва кенглиги уч метр келади, ичига бир центнердан кўпроқ шох-шабба тўшалган бўлади.

Бургут овчи қуш сифатида қадимдан машҳур. Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳозирги вақтда ҳам унинг ёрдамида ов қилишади. Кемирувчиларни қириб, қишлоқ хўжалигига фойда келтиради.

Шуниси ачинарлики, бу ажойиб қушлар ҳозир бизнинг минтақада ҳам жуда кам қолди. Бунинг сабаблари ҳар хил. Бу паррандалар жуда секин кўпаяди. Кам пуштли бўлиб, тўрт-беш йилдагина жинсий жиҳатдан етилади. Одатда бир, камдан кам ҳоллардагина 2-3та тухум қўяди ва бола очирини вақтида тухумини 40 кунга яқин босиб ётади. «Қизил китоб»да ёзилганидек,

«Ерларнинг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, баланд танали дарахтлар ўсиб турган ўрмонларнинг кесилиши ва одамларнинг бевосита таъқиби – бургут овлаши» ҳам уларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бургут билан ов қилиш кўп тарқалган мамлакатларда уядаги жўжа бургутлар олиниб, ов қилишга ўргатилади. Бу ноёб қушнинг сони камайишига ана шундай ноҳўя ишлар олиб келмоқда. Баъзан бургутлар юқори кучлианишли ток узатадиган электр симларга кўниб ҳам, бўри ва бошқа йирткич ҳайвонларни қириш учун қўйилган захарли хўракни еб ҳам нобуд бўлади. Ҳайвонот боғларида тутқунликда яшаётган бургутлар анчагина бор, лекин уларнинг деярли ҳаммасида, шу жумладан биздагиларида ҳам уни урчитиб кўпайтириш билан шуғулланилмайди. Бундай хайрли иш фақат АҚШдаги Канзас штатининг Толика шаҳридаги ҳайвонот боғида йўлга қўйилган.

Ҳаётда бургут ва инсонлар ўртасида унча-мунча ноҳўш воқеалар содир бўлганлиги ҳам маълум. Шундай бир воқеа Жиззах вилояти Зомин тумани Каримота қишлоғида 1950 йилларнинг ёз ойларида бўлиб ўтган эди. Қишлоқ болалари кундуз соат 2-3 ларда ўйнаб

юришарди. Шу пайт бир бургут ўқдай отилиб шиддат билан учиб келиб 6-7 ёшли Бўранбойни чангаллаб олиб осмонга парвоз қилади. Ҳайратда қолган ота-она, қишлоқ аҳли бургут орқасидан тош, милтиқ отиб, қичқириб тепаликка чиқиб бораверарди. Бургут кўтарилиб «Қўрғон тепа» деган тепаликка кўнади. У боланинг қичқиригиданми, ё милтиқ овозиданми, ё қўрқаниданми, ё ўлжаси инсоннинг боласи эканлигиданми, йиғлаётгани учун раҳми келганиданми, хуллас болани ташлаб ўзи осмонга парвоз қилади. Одамлар югуриб бориб қараша бола тирик, ҳеч бир жойи шикастланмаган, лекин жуда қўрққан кўринади. Одамлар болага сув ичириб, сув селиб, уйга олиб тушиб, муолажалар билан ўзига келтиришади. Бўранбой ака ҳалигача ҳаёт. Ёшлигим ўтган ўша Каримота қишлоғида кейинчалик яна бир воқеа со-

дир бўлди. Бир кун туш пайтлари отамнинг кичик қалиб-рли милтигини олиб овга чиқмоқчи бўлдим. Шу пайт осмондан бир бургут ўқдай шувуллаб донлаб юрган товукларга ташландида бир катта хўрозни чангаллаб осмонга парвоз қилди. Мен эса шошиб-пишиб бургутни мўлжалга олиб кетдим. Ўқ бургутнинг ўнг қанотига теккан экан, у ерга кўнишга мажбур бўлди. Жўраларим билан чопиб бориб хўрозни панжаларидан озод қилиб, бургутни уйга олиб келдик. Бургутни 4-5 кун яхшилаб боқиб, яраланган қанотини отам билан дориллаб тузатиб учуриб юбордик. Бургутларнинг қишлоқлардан товукларни, улоқ, кўзичокларни чангаллаб кетиши ҳоллари азалдан ва ҳанузгача учраб туради.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент.

Мутахассис  
маслаҳати

СЎЛИГАНДА,  
ҚУВВАТИ  
ҚОЛМАЙДИ

Вилоятимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлган Паркентга ташриф буюрган киши албатта, «мотор» яъни мадор ўсимлигидан тайёрланган таомларни истеъмол қилган ёки унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида эшитган бўлиши табиий ҳолдир.

Негаки, ер юзидида фақатгина Паркентда ўсадиган бу ноёб ўсимлик ўзига хос хусусиятларга эга. Уни «паркентлик»ларга хос усулда тайёрланган сомсага солиб истеъмол қилган маъқул. Чунки, ушбу ўсимлик териб олиниши билан икки-уч соат ичида сомса қилинсагина, номига яраша «кувват сомса» бўлиши мумкин. Лекин уни бозорларда сўлиган ҳолда узоқ вақт сақлаб сотилганда хусусиятларидан асар ҳам қолмайди. Аксинча, чириб, ошқозон учун зарарли бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади. Шунинг учун уни ўз вақтида истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Кези келганда, шунини таъкидлаш жоизки, «мотор» ўсимлиги ҳозирги манзил маконида табиати муҳофаза қилиш жонқуярлари томонидан ҳимоя қилинмоқда. Токи у паркентликларнинг сирли мўжизаларидан бири сифатида келгуси авлодларга ҳам етиб борсин.

**А. АБДУХОЛИҚОВ,**  
вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлиги ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ноҳири.

Ҳар тўғрида

## ГҲНГДАН ЭНЕРГИЯ

Англияда қорамол гўнги асосида ишлайдиган электр станцияси яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади. Унча катта бўлмаган шаҳарни ҳаётбахш нур билан таъминлашга мўлжалланган бу қорамол гўнги 1,6 миллион тонна гўн керак бўлади. Бундай ёқилгини мамлакатдаги 50та ферма етказиб беради. Уларда бу хом ашё 3500 бош қорамолдан олинади.



## АСАЛАРИЛАР ҲАРБИЙЛАР ХИЗМАТИДА

Америкалик олимлар тадқиқотлардан сўнг шунини аниқладиларки, асаларилар ҳидни итларга нисбатан анча яхши билар эканлар. Улар махсус машғулотлар курсида ариларни шунга ўргатдилар, гуллар ўрнига портловчи ва наркотик моддаларни қидириб топишга мажбур қилдилар. Лекин, бунинг бир муаммоси ҳам



чиқиб қолди. Арилар ҳеч вақт тунда ва ёмғир ёғаётганда учмайдилар.

## УМРИ БОҚИЙ ДАРАХТ

Кўпинча чинорни умри боқий дарахт деб айтади. Шундай дейиш учун асос ҳам бор. Курраи заминимизда ўсадиган бу дарахт узоқ умр кўриши, катталиги билан ажралай туради. У қўлай шароитда 2000 йил ва ундан ҳам ортиқ яшаши мумкин. Эгей денгизидидаги Кос оролида 2300 йиллик чинорлар мавжуд. Мамлакатимизда ҳам катта ёшдаги чинорлар учрайди. Чунончи, Сурхондарё вилоятида 600 ёшли

шундай дарахтлар бор. Тошкентнинг Матбуотчилар кўчасидаги чинорларнинг ёши эса 300 йил атрофидадир. Бўстонлик туманининг Хўжакент қишлоғида ўсаётган азим чинорлар кўп асрлар давомида бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Бу қимматли манзарали дарахт 50 метр ва ундан ҳам баландликкача ўсади, серсоя бўлади. Айни вақтда ҳавони тозалашга хизмат қилади.

Ширкат хўжалигимиз Тошкент шаҳрининг ёнгинасида, тоғ ён бағрида жойлашган, мевазор ва узумзорлари, ҳилма хил олма, гилос, олхўри, шафтоли ва узумлари билан машҳур ҳисобланади. Хўжалик миришкорлари шириншарбат мевалар, сабзавот ва резавор маҳсулотлари билан республикамиз пойтахти истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдам бермоқда.

## ДАРМОНДОРИГА БОЙ МЕВАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ


1990 йиллар бошида давлат тасарруфидан чиққан хўжалик аввал жамоа хўжалигига, 1998 йилда ширкат хўжалигига айлантирилди. Бу хўжалик аъзоларининг мулк соҳиби бўлиш, меҳнат авазига етиштирилган маҳсулотга эгаллик ҳуқуқини кенгайтириб моддий манфаатдорлигини оширишга олиб келди. Ҳар бир кишининг ўз вазифасига масъулият билан ёндошиши, ён-атрофда бўлаётган ишга бефарқ қарамаслик муҳитини яратди.

Ана шундай вазиятда талабчан харидорга сифатли, кўриниши ва таъми юқори бўлган маҳсулот етказиши мумкин аҳамиятга эга бўлмоқда. Замон талабини тўғри тушунган хўжалик раҳбарияти, мутахассис ва аъзолари унинг аввалдан машҳур номини сақлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Хўжаликда 800 гектарга яқин боғлар, 450 гектар узумзорлар бор. 272

гектар майдонда эса турли-туман сабзавот маҳсулотларни етиштиряпмиз. Уларни парвариш қилишда маъданли ўғитлар меъёридан ортиқча фойдаланилмаяпти. Асосан маҳаллий ўғитлардан солиноқда. Касаллик ва зараркундаларга қарши курашда биологик усул тобора кенг қўлланилмоқда. Алмашлаб экиш, оралиқ экин экишни кенгайтириш ҳисобига тупроқ унумдорлиги ошириляпти.

Сувдан унумли фойдаланишга, уни исроф қилмаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатганмиз. Шу мақсадда кўриляётган тадбирлар тупроқ эрозиясининг, атроф-муҳит учун зарарли қолдиқларни сув ҳавзаларига оқиб тушишини олдини олиш, бой табиатимизни асраб-авайлаш йўлидаги муҳим ишларимиздан биридир.

2002 йил учун мўл ҳосил яратиш йўлида баҳорги ишларни ўз мuddатида тугаллаб, мавжуд ҳосилни сақлаш, элимизга мўл-кўл



маҳсулот етказиб бериш учун барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказмоқдамиз.

Қатор ораларига ишлов бериш, тоқзорларда биринчи хомтоқ, олтингургурт чанглатиш ишлари ниҳоясига етди. Сабзавот, картошка экинларини экиш молия бизнес режаларимизга мос равишда бажарилмоқда.

Аммо, табиат табиатлигини қилиб, деҳқонни ҳар доимгидек синовдан ўтказиш бу йил баҳори учун ҳам истисно бўлмади. Баҳорнинг серёмғир келиши гилос, шафтоли, олхўри майдонларига катта талофат етказди. Шунга қарамадан, маҳсулотимиз кўп бўлишига умидимиз катта. Бунинг учун барча ички имкониятларимизни тўлиқ сарфбар қилаёلمиз. Мақсад ҳалқимиз олдида берган ваъдаларимизни удралашга, хўжаликнинг молия-иқтисодий мавқеини юксалтиришга, юртимиз бозорларини сифатли, витаминга бой, экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлашни кўпайтиришга эришишдир. Муҳими, биз етиштиряётган олма-ю узум, сабзавот картошка, помидор ва резавор маҳсулотлари катта-ю кичик барча фуқароларга манзур бўлсин.

**Қ. ХОЛМИРЗАЕВ,**  
«Қибрай» ширкат хўжалиги раҳбари.

«Табиат ва инсон» саҳифалари материалларини вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари ҳамкорликда тайёрладилар.

Sport

Sport

Sport



# ЎЙИНГОҲЛАРДА КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ

ридаги театрлаштирилган томошалар бошланди. Мумтоз ўзбек миллий куйларининг майин садолари ўйингоҳ узра таралди. Ўзбекистонни бутун жаҳонга танитган буюк мутафаккир бобокалонларимизнинг табаррук номлари бирма-бир тилга олинди.

Спорт мажмуига йиғилган минглаб мухлислар бирин-кетин ўйингоҳга кириб кела бошлаган универсиада иштирокчиларини гулдурас қарсақ ва олқишлар билан кутиб олдилар. Саф олдида 2000 йили Наманганда ўтказилган универсиада ўйинлари ғолиби — Наманган вилояти жамоаси. Улар ортидан «Универсиада-2000» спорт ўйинларининг совриндорлари — Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти спортчи талабалари ўйингоҳга кириб келишди. Сўнг бошқа вилоятларнинг терма жамоалари ҳам ўйингоҳда ўз ўринларини эгаллашди.

Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов «Универсиада-2002» спорт байрамини очиб деб эълон қилди ва барча қатнашчиларни табриклар, уларга омад тилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев Ўртбошимизнинг универсиада иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

Икки кун аввал Паркентдан

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўлга чиққан универсиада машъаласи ўйингоҳга олиб кирилди. Кураш бўйича жаҳон чемпиони Шўхрат Хўжаев ва бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони Ойдин Файзиёва «Кичик Олимпиада» машъаласини ёқдилар. Ўйингоҳ узра Ўзбекистон мадҳияси янгради. Универсиаданинг барча иштирокчилари қўлларини кўксиларига қўйиб, мадҳияни биргаликда ижро этдилар.

Дарвоқе, ёдингизда бўлса,

бундан икки йил аввал Наманганда ўтказилган биринчи «Универсиада-2000» спорт байрамининг машъаласи шу ернинг ўзида оддий гугурт воситасида ёқилган эди. Ушандан сўнг умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва академик лицейларда таълим олаётган ёшларнинг «Баркамол авлод» ва ниҳоят олий ўқув юрлари талабаларининг «Универсиада» мусобақалари машъала-

сини Паркентдаги «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш марказидаги махсус қурilmалар воситасида бевосита кўёш нуридан аланга олдириш катий анъанасига айлантирилди.

«Универсиада-2002» спорт ўйинлари машъаласи ана шу йўл билан 2600 даражадан зиёд табиий кўёш нуридан аланга олдирилди. Бу шарафли вазифанинг ижроси вилоятимиз вакили, сузиш бўйича халқаро спорт уста-

си, Осиё-Океания чемпионатининг ғолиби Саида Искандарова ҳамда дзюдо бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони, Сидней олимпиадаси иштирокчиси, Пекинда бўлиб ўтган Бутунжаҳон универсиада ўйинларининг кумуш совриндори Абдулла Тангриёвага насиб этди.

Шундай қилиб, Бухоро ўйингоҳларида универсиада мусобақалари қизгин бошланиб кетди. Бу йилги универсиада мусобақалари дастурига анча ўзгаришлар киритилди. Жумладан, талаба ёшлар Бухорода Намангандаги универсиададан фарқли ўлароқ спортнинг тўққиз эмас, ўн икки тури бўйича мусобақалашдилар. Яъни спортнинг сузиш, қўл тўпи ва дзюдо кураши турлари дастурга янгидан киритилди. Бу — айни мудоао. Чунки, келаси йили Жанубий Корейда ўтказилиши кутилаётган навбатдаги Бутунжаҳон универсиадасига юксак тайёргарлик билан бориш имкониятларини анча кенгайтиради.

Универсиада мусобақаларида ўн олтита терма жамоага бирлашган 2368 нафар, шу жумладан, бизнинг вилоятимиздан 147 нафар спортчи иштирок этмоқда. Ғолиб ва совриндорларни 230 та олтин, 230 та кумуш ва 270 та бронза медаллари кутмоқда. Фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга «Дамас» автомобили ҳада этилади. Бундан ташқари юқори натижаларга эришган спортчи талабаларга турли эсдалик совгалари топширилади.

**Абдусамод Йўлдошев,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг  
махсус мухбири.



## БАЛЛИ, ОПА-СИНГИЛ ҒАНИЕВАЛАР!

**20-24 май кунлари Самарқанддаги эшкак эшиш каналда катталар ўртасида республика чемпионати ҳамда 1984-1985 ва 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.**

Вилоятимиз вакиллари ушбу беллашуларда муваффақиятли иштирок этиб, энг кўп медалларни қўлга киритдилар.

Ушбу чемпионат опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниевалар учун жуда омадли бўлди. Улар вилоятимиз жамғармасига 5 та олтин медал келтирдилар. Айниқса, Севара чемпионат дастурига киритилган учта турнинг ҳаммасида иштирок этиб, барчасида чемпион бўлди. Аввалига у яқка қайиқда эшкак эшиш мусобақасида рақибларини ортда қолдирди. Сўнгра сингилси Зарина билан икки

кишилик қайиқда маррага биринчи бўлиб этиб келди. Яна сингилси ҳамроҳ бўлган тўрт кишилик қайиқда ҳам олтин медал соҳибаси бўлди.

Кетинги эшкакчи вазифасида иштирок этган Зарифа Сисинбоева икки ва тўрт кишилик қайиқларда рулни бошқарувчисиз эшкак эшиш мусобақаларида иккита олтин медални қўлга киритди. Шундай қилиб аёлларимиз жами 15та -13та олтин, битта кумуш ва битта бронза медал эгаси бўлишди.

Эрақлар ўртасида икки, тўрт ва саккиз кишилик қайиқларда

рулни бошқарувчисиз эшкак эшиш мусобақаларида муваффақиятли қатнашган вакилларимиз 15 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларини олдилар. Айниқса, Владимир Трёмасовнинг ютугини алоҳида таъкидлаш жоиз. У кетинги эшкакчи вазифасини бажариб, вилоят жамғармасига учта олтин медал қўшди.

1984-1985 ҳамда 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги республика биринчилигида ҳам вилоятимиз вакиллари яхши натижаларга эришдилар. Эдем Халилов иккита, Алия Люманова, Альбина Ахмерова, Малика Йўлдошева биттадан олтин, Мурод Абдураҳмонов битта кумуш медал эгаси бўлишди.

**Самод Йўлдош.**

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз, азизларни 2002 йил 29 май, 5, 12, 19, 26 июнь, 3, 10, 17, 24, 31 июль ва 7, 14, 21, 28 август кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади.

**Савдога куйидагилар кўйилади:**

1. Ангрен шаҳри 11 даҳада жойлашган сатҳи 400 кв.м. бошланғич баҳоси 46400 сўм бўлган 1та ер майдони ва ҳар бирининг сатҳи 595 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 69020 сўм бўлган 2та ер майдони.
2. Пскент туманидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бошланғич баҳоси 48720 сўм бўлган 2та ер майдони.  
- Бирлик даҳаси айланма йўл ёқасида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 37360 сўм бўлган 4та ер майдони.
3. Куйичирчиқ тумани Дўстобод шаҳар У. Юсупов боши берк кўчасида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 40600 сўм бўлган 3та ер майдони.  
- Ўзбектер жамоа хўжалиги Гул қишлоғида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 23200 сўм бўлган 3та ер майдони.  
- Ҳамза номли ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 26100 сўм бўлган 3та ер майдони.  
- Улўбёк ширкат хўжалиги Мингчинор қишлоғидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 43500 сўм бўлган 27та ер майдони.  
- Юлдуз жамоа хўжалиги Юлдуз қишлоғида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 17400 сўм бўлган 2та ер майдони.
4. Бўстонлиқ тумани Товоқсой кўрғони Маданият кўчасида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 61596 сўм бўлган 2та ер майдони ҳамда сатҳи 300 кв.м. бошланғич баҳоси 46197 сўм бўлган 1та ер майдони, сатҳи 306 кв.м. бошланғич баҳоси 47121 сўм бўлган 1та ер майдони, сатҳи 308 кв.м. бошланғич баҳоси 47429 сўм бўлган 1та ер майдони ва сатҳи 304 кв.м. бошланғич баҳоси 46813 сўм бўлган 1та ер майдони.
5. Ўртачирчиқ тумани Охунбоев жамоа хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 46400 сўм бўлган 32та ер майдони.

6. Паркент тумани Номданак қишлоғида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бошланғич баҳоси 20600 сўм бўлган 1та ер майдони.
7. Юқоричирчиқ тумани Янгибозор кўрғонидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 143028 сўм бўлган 6та ер майдони ва 3-проезд сатҳи 600 кв.м. бошланғич баҳоси 62988 сўм бўлган 1та ер майдони.  
- Ийк-ота ширкат хўжалигидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 23200 сўм бўлган 4та ер майдони.  
- Дўстлик ширкат хўжалигидаги сатҳи 600 кв.м., бошланғич баҳоси 34800 сўм бўлган 1та ер майдони.
8. Беқобод шаҳар, Йўлдош массивидаги сатҳи 400 кв.м. бошланғич баҳоси 25520 сўм бўлган 1та ер майдони.
9. Оҳангарон тумани, Увак қ.ф.й., «Облик» қишлоғидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 22000 сўм бўлган 36та ер майдони.  
- Озодлик қ.ф.й., Мунчоктепа аҳоли пунктидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 41200 сўм бўлган 15та ер майдони.  
- Увак қ.ф.й., «Облик» қишлоғидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 33000 сўм бўлган 37та ер майдони.  
- Озодлик қ.ф.й., Мунчоктепа аҳоли пунктидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 61800 сўм бўлган 15та ер майдони.
10. Оҳангарон шаҳар, Мустақиллик кўчасидаги сатҳи 600 кв.м. бошланғич баҳоси 60900 сўм бўлган 1та ер майдони ва сатҳи 510 кв.м. бошланғич баҳоси 51765 сўм бўлган 3та ер майдони.  
- Бобур кўчасидаги сатҳи 550 кв.м. бошланғич баҳоси 55825 сўм бўлган 1та ер майдони ва ҳар бирининг сатҳи 574 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 58261 сўм бўлган 3та ер майдони.  
- Дўжба кўчасидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 179220 сўм бўлган 3та ер майдони ва сатҳи 620 кв.м. бошланғич баҳоси 185194 сўм бўлган 1та ер майдони.
11. Бўка тумани, Гулистон маҳалласидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. ҳар бирининг бошланғич баҳоси 68400 сўм бўлган 16та ер майдони.
12. Олмалиқ шаҳар, Олмалиқсой кўчасидаги сатҳи 600 кв.м., бошланғич баҳоси 39000 сўм бўлган 1та ер

- майдони ва Гайдар кўчасидаги сатҳи 600 кв.м. бошланғич баҳоси 39000 сўм бўлган 2та ер майдони.
  13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент вилояти, Чиноз тумани Т. Эрнazarов номли ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Т. Эрнazarов қишлоқ врачлик амбулаторияси» объекти асосий воситалари, бошланғич баҳоси — 550400 сўм.
  14. «Нормал» масъулияти чекланган жамиятига қарашли Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳрида жойлашган «Ошхона» биноси объекти, бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.
  15. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ижтимоий таъминот бўлими тасарруфидаги Фазалкент шаҳрида жойлашган «Радуга» кафеси, бошланғич баҳоси — 6 492 515 сўм.
  16. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг «Ангрен ДИЭС»га қарашли бўлган Ангрен шаҳар «Гулбоғ» маҳалласида жойлашган «Восход» болаларни соғломлаштириш объекти, бошланғич баҳоси — 17 500 000 сўм.
  17. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани марказий касалхонасига қарашли Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор кўрғонида жойлашган эски «Тез тиббий ёрдам биноси» объекти, бошланғич баҳоси — 689 400 сўм.
  18. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани марказий касалхонасига қарашли Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор туманида жойлашган эски «Гараж биноси» объекти, бошланғич баҳоси — 3 232 900 сўм.
- 2002 йил 28 июнь ва 5 июль кунлари куйидаги ер майдонлари аукцион савдосига кўйилади:**
1. Беқобод тумани «Далварзин» ширкат хўжалигидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган ва ҳар бирининг бошланғич баҳоси 26.100 сўм бўлган 28та ер майдони.
- Эслатма:** ер майдонларига аризаларни қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.
- Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мозаруннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Телефон:** 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-43-73.

**Ибратнома**

Бир мамлакатда доноликда доғри кетган донишманд киши яшар экан. Исмои Бехлул бўлиб, у доимо одамларнинг мушкуллини осон қилишга ҳаракат қиларкан. Шу туфайли уни ҳамма ҳурмат қилиб – Бехлул доно деб аташаркан.

Бир куни Бехлул кўчадан ўтиб кетаётган экан, бир киши олди-га келиб илтимосона маслаҳат сўрабди.

– Эй, Бехлул доно! Озроқ жамғарган пулим бор, бу йил нима сотиб олсам фойда қиларкинман? – дебди.

– Тамаки сотиб ол! – дебди Бехлул.

Сўраган киши тамаки сотиб олибди. Киши кириши билан бозорда тамаки камайиб кетибди ва у киши тамакини яхшигина пулга сотибди-да, озроқ қисмини олиб қўйибди, чунки тамаки қанча кўп турса, унинг нархи шунча ошар экан. У киши қолган қисмини ҳам кейинроқ анча балоңд нархга сотиб, мўмайгина фойда қилибди. Пули кўпайгач, бурни кўтарилиб унча-мунчани менсимай қўйибди.

Кунларнинг бирида Бехлул

яна кўчадан ўтиб кетаётган экан, босар-тусарини билмай, ҳовлиқиб қолган ўша киши унга яқин келиб, менсимайгина дебди:

– Эй, Бехлул девона! Бултур менга яхши маслаҳат бердинг, жуда кўп фойда қилдим. Қани айтчи, бу йил нима сотиб олай?

– Бор, пиёз сотиб ол! – дебди

Бехлул.

Бехлулнинг ўтган йилги маслаҳатидан жуда яхши фойда кўрган киши унинг гапига биноан, қанча сармояси бўлса ҳаммасига очкўзлик билан пиёз сотиб олиб, уйига хирмон қилиб қўйибди. У тезроқ киши кириб, бозорда пиёзнинг нархи кўтарилишини пойлаб ётаверибди. Лекин у пиёз асраш сирларини билмас экан, пиёз хирмон қилиб қўйилганда қизиб тез ниш урар ва сасиб кетар экан. У киши ҳар куни юзлаб чирган пиёзни териб чўқурга олиб бориб ташлаивериб, оқибатда ҳамма пиёзи сасиб, ириб кетибди ва бечора хонавайрон бўлибди.

У киши жаҳл ва ғазаб билан Бехлулни қидирибди, ундан ўч

олмоқчи бўлибди. Бехлулни топиши билан:

– Эй, Бехлул! Нима учун пиёз сотиб олгин, деддинг? Мени шунчалик хонавайрон бўлишимни хоҳлаганмидинг? – дебди.

– Эй биродар, ўтган йили менга: «Эй, Бехлул доно!», деб мурожаат қилган эдинг. Шунинг учун донолик

қилиб: «Тамаки сотиб ол», дедим. Лекин бу сафар мени «Бехлул девона» деб атадинг, мен ҳам девоналик билан, «бориб пиёз сотиб ол», дедим. Билиб қўй, бу жазо ўзингнинг қилган ишинг, чўнтагинга қараб ўзгарадиган феълнингнинг оқибатидир! Зеро, бошинга не бало ёғса, бировдан эмас, ўзингдан кўр. – деб вазминлик билан жавоб берибди Бехлул.

Бу киши хижолат бўлиб, индамай келган йўлига қайтиб кетибди. Йўл-йўлакай: «Дарҳақиқат, айб ўзимда-ку!» деб тан олибди.

Хатони англашнинг ўзи ҳам жуда катта гап.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**  
тайёрлади.

**БМТ викторинасига марҳамат**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонасида "БМТ билан ўйна" викторинаси бошланишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**



Танлов ушбу халқаро ташкилот ваколатхонаси ахборот маркази ва Европа иқтисодий комиссияси томонидан учинчи бор ташкил этиляпти. Уни ўтказишда Швейцария элчихонаси, БМТ Тараққиёт дастури /UNDP/, Болалар жамғармаси /ЮНИСЕФ/, "Штейнер индастриз" компанияси ва бошқа ташкилот ҳамда оммавий ахборот воситалари кўмаклашмоқда.

Викторинада 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари қатнашади. Танлов

БМТ муккасасалари ва дастурлари, унга аъзо мамлакатлар, мазкур ташкилотнинг тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда инсонпарварлик фаолияти тўғрисида кўплаб маълумотларни билиб олишга ёрдам беради.

Бош соврин эгаси Женевага сафар қилади ва БМТнинг Европадаги қароргоҳи билан танишади.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**  
ЎЗА мухбири.

**"Ўзбекистоннинг янги дурдоналари"**



Халқимизнинг ўтмиш ҳаёти, маданияти, археологиясига оид маълумотларга қизиқиш катта. Халқро миқёсда ташкил этилаётган кўплаб кўргазмалар, илмий анжуманлар бунинг ёрқин исботи бўла олади.

Япониянинг Токио, Нара ҳамда Фукуока шаҳарларида жорий йилнинг сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида "Ўзбекистоннинг янги дурдоналари" мавзуида кўргазма

бўлиб ўтади. Унда, асосан, Ватанимизнинг қадим тарихи ва маданиятига оид янги топилган экспонатларга кенг ўрин берилади.

(ЎЗА).

**Бекажон**

**САЛАТ ТУРЛАРИ**

**ОЛМА ВА ЛИМОНЛИ**

Уни тайёрлаш учун 5-6 дона олма тозаланиб, юпка бўлақчаларга кесилади. Бир дона лимон юпка кесилиб, бир идишда аралаштирилади. Устидан қанд упаси ва майдаланган ёнғоқ мағзи сепиб дастурхонга тортилади.

**ОЛМА ВА ЁНҒОКЛИ**

4-5 дона олма тозаланиб, юпка қирқилади. Қорайиб кетмаслиги учун устига лимон шарбати сепилади. Бир дона ўртача майдаланган сельдэр, ярим стакан ёнғоқ мағзи, ярим стакан майиз, ярим стакан қаймоқ, ярим стакан майонез аралаштирилиб, унга тайёрлаб қўйилган олма қўшилади. Олма бўлақчалари майдаланиб кетмаслиги учун эҳтиётлик билан аралаштирилади. Тайёр салатни идишга солиб, устига майдаланган ёнғоқ сепиб, олча, олхўри, малина мевалари билан безатилади.

**ОЛМА ВА САБЗИЛИ**

400 грамм олма, 300 грамм сабзини тозалаб, сомонча шаклида қирқилади. Сўнгра ярим стакан сметана ва таъбга кўра шакар қўшиб аралаштирилади. Тайёр салатни идишга солиб, устини кўндалангига кесилган олма бўлақчалари билан безатиб, дастурхонга тортилади.

**Наргиза ҚУРБОНОВА,**  
қандолатчи.

**СКАНВОРД**

Тузувчи Ақромжон ХЎЖАМОВ.

**«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КИТОБ САВДО ВА ТАЪМИНОТИ»**

**Очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2002 йил 26 июнь куни соат 11.00да Акциядорлик жамияти биносининг мажлислар залида ўтказилади.

**Манзил:** Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчаси, 7.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» очиқ акциядорлик жамияти бошқарувининг 2001 йилдаги ҳисоботи ва 2002 йилга ривожланишнинг асосий йўналишлари.
2. Жамиятнинг 2001 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш ва аудитор текширувнинг ҳулосалари.
3. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
4. Бошқа масалалар.

**«Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» очиқ акциядорлар жамиятининг 2002 йил 1 январь ҳолатига бўлган баланси:**

Кўрсаткичлар номи	Актив м. с.	Пассив м. с.
1. Асосий воситалар (қолдиқ қиймат)	3294	
2. Молиявий қўйилмалар	10593	
3. Ишлаб чиқариш захиралари	51681	
4. Пул маблағлари	1000	
5. Дебиторлик қарзлар	23147	
6. Шуъба корхоналар билан ҳисобланиш	5840	
7. Бошқа активлар	5577	
8. Устав капитали		4837
9. Қўшилган капитал		243
10. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)		- 18002
11. Келгуси давр даромадлари		112790
12. Кредиторлик қарзлари		193
13. Бошқа пассивлар		1071
<b>Баланс:</b>	<b>101132</b>	<b>101132</b>
2001 йил қарзи – 3625 минг сўмни ташкил этади. Эмиссия проспекти бўйича акцияларнинг жорий ҳолати:		
– Устав жамғармаси		4837 м. с.
– Чикарилган акциялар:		4837 дона
– Номинал	1000 сўм	1000 сўм
– Давлат улуши	25%	1209 дона
– Юридик шахсларда	14,14%	684 дона
– Жисмоний шахсларда	51,21%	2477 дона
– Ишчилар улуши	9,65%	467 дона
<b>ЖАМИ:</b>	<b>100%</b>	<b>4837 дона</b>

**Bolalik bog'i**

**QIR BAG'RIDA**

*Qirlar bag'ri  
Qanday soz-a,  
Havosi ham  
Sof va toza.  
Chuchmomalar  
Ko'zin ochgan.  
Qir bag'riga  
Mehrini sochgan.*

*Gul-lolalar  
Alyon-alvon,  
Shodliklarim  
Jahon-jahon.  
Ol ufqlar  
Aqlim oldi.  
Go'zal qirda  
Mehrini qoldi.*



**ASALARI QO'SHIG'I**

*Eh, g'unchajon,  
G'unchajon,  
Sendan orom  
Olar jon.  
Ajoyib  
Jamoling bor.  
Kosa to'la  
Boling bor.*

*Erkananib  
Yayrayman,  
Kosangdan  
Bol yalayman.  
Yig'ib-yig'ib  
Xonamga.  
Ulashaman  
Odamga.*



**ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ**  
ТОШКЕНТ ШАҲАР МАМАДУЛЛОХОВ

**Муассис**  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУХИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълолар:  
133-40-48, 136-57-27.

**Манзилими:**  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер  
марказида тартиб ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.